

Ғарб жамиятида муслима аёлларнинг муҳимлиги таъкидланди



16:48 / 18.02.2022 2127

Швейцариядаги Женева университетиди Ислон цивилизацияси профессори, коронавирус эпидемияси авж олган пайтда муслмон аёлларнинг Ғарб жамиятларидаги ролини таъкидлади.

Женева университети Ислон цивилизацияси профессори Фавзия Ал-Ашмавий Ислон ишлари бўйича Олий кенгашнинг «Фуқаролик келишувининг ижтимоий ва жаҳон тинчлигига таъсири» мавзусидаги 32-конференциясида сўзга чиқди. Бу ҳақда Седайи Белед манбаси хабар берди.

У муслмон аёлларнинг Ғарб жамиятларидаги ролини жуда муҳим деб ҳисоблайди.

Фавзия ал-Ашмавий шундай дейди: «Ушбу хасталикка қарши курашда фаол қатнашиб, ўзи ва оиласи учун профилактика чораларини кўраётган, оиласи саломатлигини асрашда қўни-қўшни ва танишларига ёрдам берадиган, ишдаги ҳамкасблари билан мулоқотда бўлган аёллар ўзларини исботлай оладилар. Оврупаликлар, Ислом аёлларга юксак мавқе беради».

14 аср ўтганига қарамай, мусулмон аёллар барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланмоқдалар. Аёллар оила мустаҳкамлигининг таянчи бўлганлиги сабабли мусулмон жамиятларида тинчлик ва бағрикенгликни қарор топтиришда ижобий рол ўйнайди.

Женева университетининг Ислом цивилизацияси профессори аҳоли Ислом динига эътиқод қиладиган мамлакатларда бу давлатларнинг ҳар бирида қонунлар қабул қилинишидан олдин аёллар Қуръон томонидан кафолатланган ҳуқуқларга эга экани, аёллар жамиятда фаол ва очиқ рол ўйнашини айтди.

Хуршид Маъруф